Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 147 (6259).

1 АВГУСТ СЕШАНБА 1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

ПИЛЛА ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВА ПИЛЛАЧИЛИКНИ САНОАТ НЕГИЗИГА КЎЧИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети шуни қайд қиладиларки, республика пиллачилари КПСС XXV съездининг ва Узбекистон Компартияси XIX съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, ўнинчи беш йиллик йиллари мобайнида пилла етиштиришни анча кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга эришдилар. Уч йил ичида давлатга мана шу қимматли хом ашёдан 82,3 минг тоннадан зиёд, яъни планнинг 117 процента миқдорида пилла сотилди. Бу йил пилланинг яппи ҳосили 28,9 минг тоннага етди, бу эса бош йиллик планда 1980 йил учун кўзда тутилганидан 2,9 минг тонна кўп.

Пиллачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар қилинди. Пилланн дастлабки ишлаб берадиган 16 та база қурилиб, фойдаланишга топширилди ва 4 таси реконструкция қилинди, ихтисослаштирилган иккита пилла совхози ташкил этилди. Бу тармоқни тезроқ саноат негизига кўчириш, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ишлари бошланди. 18 та пиллачилик комплекси ишга туширилди. Булар қурт боқишни концентрациялашга ва пиллачиликдаги сермеҳнат ишларни механизациялашга имкон беради. Қурт боқишда стимуляторлар биринчи марта кенг қўлланила бошланди, бу эса пилланинг ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга ёрдам берди.

Шу билан бирга пилла етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан ва резервлардан етарли равишда фойдаланилмаётганликни тажриба кўрсатиб турибди. Ипак қуртларининг 90 процентдан кўпроғи колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг уйларида боқилмоқда, бу эса катта қийинчиликлар туғдирмоқда, пиллачиликни саноат негизига кўчиришга, пилла етиштиришни концентрациялаш ва механизациялашга имкон бермаяпти.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область, район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари пиллачиликни замонавий асосда янада жадал ривожлантириш тадбирларини етарли равишда қунт билан амалга оширмаётирлар, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришида бу муҳим тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун кадрларга нисбатан лозим бўлган даражада талабчанлик қилмаётирлар.

Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг республика колхозлари ва совхозларида 1979—1980 йилларда пилла етиштиришни янада кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга доир таклифлари қабул қилинсин. Пилла тайёрлашга доир топшириқ 1979 йилда 30 минг тонна ва 1980 йилда 31 минг тонна қилиб белгилансин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Узплодоовощвинпром»га, «Главсредазирсовхозстройга область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига қуйидагилар таклиф қилинди:

а) қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига етказишга, бу хўжаликларда пилла ҳосилдорлигини оширишга ва пилла етиштиришни кўпайтиришга доир агротехника ва ташкилий тадбирлар комплекси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин;

б) қуртларнинг бақувват бўлиб ўсишини таъминлаш, пилла ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 1979—1980 йил баҳорида қурт боқишда 82 «Барака» препарати, хлорелла суспензисини ва қурт уруғини магнит майдони билан таъсирлантириш кенг қўлланилсин;

в) тут дарахтларини парвариш қилиш кучайтирилсин, ёзқуз фаслида агротехника тадбирлари комплекси ўтказилсин, тут баргининг ҳосилини анча кўпайтиришга эришилсин;

г) 1978—1980 йилларда ҳар йил ўтказиладиган тут кўчатлари 80 миллион тупга етказилсин, шундан Қорақалпоғистон АССРда 5 миллион тупга, Андижон областида 10 миллион тупга, Бухоро областида 6 миллион тупга, Жиззах областида 7 миллион тупга, Қашқадарё областида 6 миллион тупга, Наманган областида 10 миллион тупга, Самарқанд областида 8 миллион тупга, Сурхондарё областида 7 миллион тупга, Сирдарё областида 7 миллион тупга, Тошкент областида 10 миллион тупга, Фарғона областида 7 миллион тупга, Хоразм областида 6 миллион тупга етказилсин;

д) суғориладиган карталарни йириклаштириш ва қариб қолган тут дарахтларини кундаклов қилиш тадбирлари амалга оширилаётганида озуқа фондини сақлаб қолмоқ учун кундаклов қилишдан бир йил олдин йўллар ва ариқлар бўйига икки-уч қатор қилиб узунасига ўн баравар кўп тут кўчатлари ўтказилсин.

Узбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат комитети, Узбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитетига ва Узбекбирлашув зиммасига 1979 йилнинг I кварталида колхозларга, совхозларга ва пиллачилик бош бошқармасининг корхоналарига баҳорги қурт боқиш, пилла тайёрлаш ва қурт уруғини ҳозирлаб қўйиш учун зарур материалларни етказиб беришни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Пиллачиликни саноат негизига тезроқ кўчириш мақсадида министрликлар, идоралар ва республика областлари бўйича пиллачилик комплексларини қуриш ва ишга туширишнинг борасида 1979 — 1980 йилларда қилинадиган ишларга доир топшириқлар тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, пиллачилик комплексларини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг ҳаммаси планлаштирилаётган йилнинг 1 мартигача тугалланиши лозим.

Госпланга, Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига ва «Главсредазирсовхозстройга ўн биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш чоғида умуман республикада ҳар йили камида 250 комплекс қуришни мўлжаллаб ҳар йил пиллачилик комплекслари қуриш ҳамда бунинг учун зарур капитал маблағлар ва материал ресурслари ажратишни кўзда тутиш топширилсин.

Пиллачилик комплекслари қуриш учун Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси совхозларида — Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, колхозларда — «Узколхозстрой» пудратчи қилиб тайинлансинлар, «Главсредазирсовхозстрой» совхозларида эса бу қурилишни совхозлар ўз кучлари билан амалга оширсинлар. Пудратчи ташкилотлар пиллачилик комплекслари қуриш ишларини шу йил 10 октябрдан кечиктирмай бошлаб юборсинлар ва кичик ёшдаги қурт уруғлари учун қурт боқиладиган биноларни қуришни, мавсуми боқиладиган биноларни ва бутун нулевой циклни қуришни йил охиригача тугалласинлар.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Главсредазирсовхозстройга», «Узплодоовощвинпромга, шунингдек пудратчи ташкилотларга бу йил мазкур ишларни ўзларининг 1978 йилги планларида кўзда тутилган капитал маблағларнинг ва қурилиш монтаж ишларининг умумий ҳажми ҳисобидан, қувватларни ишга тушириш планларини ўзгартирмай туриб бажаришлари учун рухсат берилсин, пиллачилик комплекслари қуришни тугаллаш ишларининг қолган ҳажми 1979 йил планларида кўзда тутилсин. Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бу йил ўтказилган синовларнинг натижалари асосида аниқланган камчиликларни ҳисобга олиб, пиллачилик комплексларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига зарур тузатишлар киритсин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Главсредазирсовхозстройга, «Узплодоовощвинпромга ва «Узколхозстройга 1979 йил баҳорида ишга тушириш мўлжалланган пиллачилик комплексларига доир лойиҳа-смета ҳужжатларини шу йил 1 октябргача қурилиш жойларига мослаштириш ва пудратчи ташкилотларга бериш топширилсин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитетига қуйидагилар топширилсин:

а) қурт боқиладиган биноларнинг ускуналарини ва металл конструкцияларини ўз жойида монтаж қилиш ва қурилиш ишлари 1979 йил 1 февралгача тугалласин;

б) 1979 йил 15 февралга қадар ҳозир қурилаётган пиллачилик комплекслари технология ускуналари билан бутлансин;

в) барча пиллачилик комплексларидаги ишга тушириш созлаш ишлари 1979 йил 1 мартгача тугаллансин;

г) Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг талабномасига биноан табиий газ ва суюқ ёқилғи учун фондлар ажратилсин;

д) колхозлар ва совхозларга 1979 йил I кварталда 300 та пневмоветкорез (ковда қирқадиган машина) етказиб бериш таъминлансин.

Узбекистон ССР Госплани 1979 йилнинг I кварталида ишга тушириш кўзда тутилган 123 та пиллачилик комплексини қуриш ва уларга технология ускуналари тайёрлаб бериш учун зарур материал-техника ресурслари ажратиш имкониятини қидириб топсин.

Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги зиммасига «қишлоқ хўжалиги» тармоғи бўйича шу министрлик учун ажратилган маблағ ва пудрат ишлари лимитидан пиллачилик комплексларни ўчун электр линиялари қуришни 1979 йил 1 мартгача таъминлаш вазифаси юклатилсин.

«Главсредазирсовхозстрой» ўз системасидаги совхозларда пиллачилик комплексларига электр линиялари қуриб бериб, ишга туширишда ва бу комплексларни газлаштириш ишларининг ҳаммасини ўз маблағлари ва пудрат ишларининг лимитлари ҳисобидан 1979 йил 1 мартгача амалга оширсин.

«Саосельэнергопроект» институтига Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг, «Главсредазирсовхозстройнинг ва «Узплодоовощвинпромнинг буюртмалари бўйича пиллачилик комплексларини энергия билан таъминлашга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиб бериш топширилсин.

Узбекистон ССР «Главгаз»и пиллачилик комплексларини газлаштиришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш ва бу ишларнинг ҳаммасини бажарсин.

Пиллачилик бош бошқармаси, «Шелк» махсус конструкторлик бюроси, Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институти ва «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти зиммасига пиллачилик комплекслари қуришни янада такомиллаштириш ва анча арзонлаштиришга доир тажриба — конструкторлик, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш вазифаси юклансин.

«Шелк» махсус конструкторлик бюросини ва унинг тажрибавий ишлаб чиқариш корпусини қуришни ва ишга туширишни тезроқ тугаллаш мақсадида:

а) «Узгипротяжпром» институти тажрибавий ишлаб чиқариш корпусининг лойиҳаларини тузиб беришни ниҳоясига етказсин;

б) Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Шелк» махсус конструкторлик бюросин комплексини қуришни тугаллашни ва тажрибавий ишлаб чиқаришни қура бошлашни 1979 йил планида кўзда тутсин;

в) «Главташкентстрой», «Шелк» конструкторлик бюросини қуриб битказсин ва тажрибавий ишлаб чиқариш корпусини қуришни бошлаб юборсин.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимига 1979 йилги қурт боқиш мавсуми бошланғунча САИМЭ заводида барг қирқадиган «РТЛ-25» маркали 250 та электр аппарат ва пилла тозалайдиган 1720 дона аппарат (ЧК-1) тайёрлаб бериш топширилсин.

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узглавстройдревпром» қуртларнинг пилла ўраши учун сунъий даста тарқасида фойдаланиладиган катакли тўлдиргичларни етарли миқдорда тайёрлаб берсин, Узбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат комитети эса бунинг учун керакли махсус қоғоз ажратсин.

Узбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қурилаётган комплекслар учун арматуралаштирилган уч қатламли плёнка тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитети арматуралаштирилган плёнка ясаш учун зарур материал ресурслар ажратсин.

«Узбитхимпласт» бирлашмаси Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан бирга қурт боқиладиган енгил конструкцияли иншоотлари учун сув ўтказмайдиган ва тез олиб қўйиладиган қуртхоналар ишлаб чиқсин.

Пилла сушилкаларининг қувватини кўпайтириш, пилланн ўз вақтида қабул қилиб олишни ва қайта ишлашни таъминлаш мақсадида:

а) Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пилларни дастлабки қайта ишлаб берадиган 6 та янги базани қуришга ва мавжуд 27 та базани реконструкция қилишга зарур миқдорда капитал маблағлар ажратишни 1979 йил планида кўзда тутсин.

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пилларни дастлабки тартибда қайта ишлаб берадиган янги базаларни 1979 йил май ойигача ишга туширишни таъминласин;

б) Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат комитети Узбекистон ССР материал-техника таъминоти Давлат комитети билан биргаликда пилленинг табиий сифатларини сақлаб қолишга имкон берадиган янги технология бўйича пилла тайёрлашни ва уни дастлабки қайта ишлашни тешикл этмоқ учун ящикбоп тахтачалар ажратиб бериш чорасини кўрсин.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими ва унинг пиллачилик илмий тадқиқот институти:

а) жаҳон стандартларига жавоб берадиган қурт уруғи зотларини тайёрлаб чиқаришга доир илмий тадқиқот ишларини активлаштирсинлар, қурт уруғи зотларининг мавжуд коллекциясини керакли ҳолатда сақлаб борсинлар;

б) пиллачилик комплексларн жорий қилинаётганлиги ва кўп қайталаб қурт боқиш имконияти пайдо бўлаётганлиги сабабли қурт боқиш агротехникасига, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашга доир тавсияларни ишлаб чиқсинлар, турли мавсумда боқиш учун керакли қурт уруғи зотини ва тут дарахти навларини жорий қилишни жадаллаштирсинлар; сортларини алмаштириб қуртларни уч-тўрт марта такрорий боқиш учун тут дарахтларини ўтказиш схемасини ва типларини тузиб берсинлар, наслдор пиллачилик совхозларида буларни ишлаб чиқариш синовларидан ўтказсинлар;

в) тут дарахти ва қурт уруғининг касалликлари билан курашишнинг тагин ҳам самаралироқ усулларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилсин, институт составида шу вазифаларни бажариш билан шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этилсин.

* * *

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладидан келиб чиқаётган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, пилла етиштиришни янада кўпайтиришни, пиллачиликдаги ишларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга доир барча зарур чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ДИҚҚАТ: МУҲИМ ЭКСПЕРИМЕНТ

Узбекистонда пахтачилик муттасил равж топмоқда. Пахта йиғим-терими суръатларининг авж олдирилиши асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига таъминланмоқда. Бунда серҳосиллиги ва тезпишарлиги билан, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига чидамлилиги ва тўқимачилик саноат талабларига мос келиши билан фарқ қиладиган пахтанинг янги навларини яратиш устида астойдил иш кўраётган селекционер олимларнинг хизмати катта. Улар кейинги йилларда йиғирмадан ортиқроқ янги навларни яратдилар, бу уруғлик чигит катта далаларда экилмоқда. Пахтанинг ингичка толали навларини яратиш борасида селекциячиларнинг олиб бораётган иши айниқса диққатга сазоворки, бу ипак пахтани республикамиз шимолий районларига ҳам кўпроқ экиш имконини беради.

Республика рахбарлари 31 июль куни Сирдарё область, Околтин районидаги «Фарғона» совхозининг М. Абдуллаев ва А. Кобулов бошлиқ бригадалари далаларини кўздан кечирдилар. Бу далаларда «С-6037» янги ингичка толали уруғлик чигит синаб кўрилмоқда. Шу навли чигитдан униб чиққан ғўзани парвариш қилиш тажрибаси бу уруғлик чигит пахтасининг сифати яхшилигини, биринчи типдаги тола беришини, тезпишарлиги билан фарқ қилишини кўрсатди. Совхозда бу йил 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнер ҳосил олиш мўлжаллаб қўйилибди. Далалардаги ғўзанинг авжи ана шундай мўл ҳосил олинишидан дарак бермоқда.

Совхоз далалари кўздан кечирилганидан кейин селекционер олимлар пахтакорлар билан суҳбатлашдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларидан ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб ўтди. Асосий вазифа — пахта етиштиришни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини кескин даражада яхшилашдан, ингичка толали пахтани териб олиш суръатларини авж олдиришдан иборатдир. Селекцияни олимлар изланиш ишларини астойдил ва собитқадамлик билан олиб боришлари, селекциянинг интенсив усулларини жорий этишлари, комплекс баркарор пахта навларини етказиб беришлари ва беш йилликнинг охирига қадар республикада 6 миллион тонна пахта, шу жумладан 400 минг тонна ингичка толали пахта етиштиришни таъминлашда пахтакорларга кўмаклашишлари керак.

Ш. Р. Рашидов Мирзачўл шароитида ингичка толали пахтанинг янги навларини ўстириш соҳасида муҳим экспериментни олимлар билан биргаликда дадил амалга ошираётганликлари учун «Фарғона» совхози пахтакорларига самимий ташаккур изҳор этди.

Учрашувда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Курбонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Мамарасулов, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Бойназиров, республика ва область партия, совет ташкилотларининг бошқа рахбар ходимлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚАДОШ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА

Мусобақадош Жиззах областининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида давлатга 310 минг тонна пахта, 130 минг тонна дон, 22,6 минг тонна гўшт, 31 минг тонна сут сотиш бўйича юксак мажбурият олганлар. Шу кунларда область, колхоз ва совхозларида бу мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Айниқса, пахтакорлар орасида эллик центнерчилар ҳаракати авж олган. Ленин номли совхознинг Тўлан Дадажонов, Жиззах районидаги Навоий номли колхознинг Ортиқ Рахматов бошлиқ бригадаларида бу маррани эгаллаш шубҳасизлиги кўриниб турибди. Тимошенко номли, Роксосовский номли, Ворошилов номли, Самарқанд совхозларнинг қатор бўлимларида ғўзанинг авжи яхши. Ҳар туп ўсимликда 5—6 тадан кўсак санаш мумкин. Жиззах районидаги «Москва», К. Маркс номли колхозларда ҳам ғўза парваришига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Область пахтакорлари ғўза парваришини бир кун ҳам кечиктирмай, культивацияни ўз вақтида ўтказиб, ўсимликнинг илдизига кўпроқ иссиклик йиғилишини ва унинг бақувват серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаётирлар.

Область механизаторлари бу йил умумий ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Шунинг учун ҳам район, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари техникани мавсумга тахт қилиш, механизаторларнинг иш шароитини яхшилаш, улар учун қулайлик яратиш борасида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Лекин биз дўстларимизга текшириш жараёнида учратган камчиликларни ҳам айтиб ўтишни лозим деб биламиз. Чунки уларни тузатиш янгиянги муваффақиятлар учун асос бўлади. Пахтакорлар ғўза қатор ораларига ишлов беришни янада кучайтириш керак. Мусобақадош областдаги айрим хўжаликларда сув етарли бўлгани ҳолда суғориш ишлари унумли бўлмаётир. Кўп пайкалларда ғўзани сув бостириб юборишмоқда, ёки сифатсиз суғориш ҳоллари мавжуд. Июль ойининг долзарб кунларида пахта майдонларида 13200 сувчи ишлаши керак бўлгани ҳолда 11 минг сувчи ишлаётганлиги ҳам ишни анча орқага тортди.

Областда механизация кучидан кейинги кунларда тўла фойдаланилмаяпти. Бунинг оқибатида айрим пахта майдонларини ўт босиб кетгач, Маълумки, кейинги йиллар ичида мақкажўхорикорлик қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ бўлиб қолди. Жиззахлик дала меҳнаткашлари мақкажўхори парваришига яхши эътибор билан қараётганликларини кўриб, бежиз ҳурсанд бўлдик. Лекин бу ўсимликни йиғиб олиш учун кўпгина районларда комбайнлар шай қилиб қўйилмаган.

Область чорвадорларининг бу йилги ишлари анча муваффақиятли бўлди. Давлатга гўшт, сут, жун топшириш ярим йиллик планлари анча ортиғи билан бажарилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори ҳам ўтган йилдагига нисбатан 8 килограммга ортди. Ярим йил ичида 13,8 минг тонна сут соғиб олинди. Бу 1977 йилдагига нисбатан 916 тонна кўп демакдир. Область колхоз ва совхозларида чорва моллардан насл олиш ҳам яхши бормоқда. Жамоат чорвачилигини кўпайтириш ишига Ариқсой, Жиззах, Бахмал ва Зомин районларининг чорвадорлари мунсиб ҳисса қўшмоқдалар. Кўп йиллар давомида озуқа тайёрлаш ва чорва моллар бош сонини кўпайтиришда эришиб келаётган арнасойлик чорвадорларининг бу йилги меҳнати ҳам кувончли бўлди. Уларга давлатга чорва моллари сотиш бўйича ярим йиллик планни ортиғи билан бажарганликлари учун Узбекистон КП Марказий Комитети ва Узбекистон ССР министрлар советининг кўчма қизил байроғи доимий сақлаш учун топширилди.

Лекин чорвачиликни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. Фориш, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин районларида сут соғиб олиш ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Негадир областдаги айрим районлар озуқа тайёрлаш ишини пайсалга солмоқдалар.

Жиззахлик меҳнаткашларнинг сабзавот, мева, картошка етиштириш ва давлатга сотиш борасида олиб бораётган ишлари бизни қаноатлантирди.

Тошкентлик пахтакорлар, чорвадорлар ва бошқа мутахассислардан иборат 40 нафар киши Жиззах области дала ва фермаларида, яйловларида икки кун давомида бўлганларида ана шу ютуқлар ва камчиликларни аниқладилар.

Аниқланган бу нуқсонлардан қатъий назар, улар Жиззах областида меҳнат кўтаринкилиги чинакам авж олганлиги, партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми асосида самарали иш олиб бораётганлигига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

С. ҲАСАНОВ.
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ОЛТИНДАН ҚИММАТ

ЖИЗЗАХЛИК ПАХТАКОРЛАР ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА

Жиззах ва Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртасидаги дўстликнинг ўз тарихи бор. Шу дўстлик туфайли ҳар иккала область меҳнаткашлари халқ хўжалигини ривожлантиришда йил сайин ажойиб муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ўзаро тажриба алмашиш, меҳнат муваффақиятларини бирга баҳам кўриш, ўрганиш ва ўргатиш одат тусига кириб қолган.

Мусобақа самарадорлигини оширишда ўзаро текширувлар катта фойда бераяпти. Тошкентликлар яқинда мусобақадош Жиззах пахтакорлари далаларида бўлганларида кўпгина қимматли маслаҳатлар бердилар. Жиззах области дала ва фермаларининг вакиллари областимизда бўлганларида ҳам пахтачилик ва чорвачиликни янада ривожлантиришга кўмаклашувчи таклифларини ўртага ташладилар.

Жиззахлик дўстларимиз пойтахт областининг барча колхоз ва совхозларида бўлиб, 430 минг тонналик «оқ олтин» хирмони ўйиш ишқида меҳнат қилаётган пахтакорлар, эл дастурхонини ноз-неъматларга безаётган соҳибкорлар, чорвадорлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Бу йилги қишки оби-ҳаво шароитига қарамай, областимиз деҳқонларн далаларда мўл ҳосил тўпламоқдалар. Меҳмонлар азамат пахтакорларимиз эришаётган ютуқларни мамнуният билан қайд этдилар. Чиноз районидаги Киров номли колхоздан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова бошлиқ коллектив бу йил ҳар гектар майдондан 60 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилган. Бугунги меҳнат юксак мажбуриятга яраша бўлаяпти.

Колхозчилар ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирмоқдалар. Бу йил колхозда механизаторлар мактаби ташкил этилган. Унда Турсуной Охунова издошлари ўқиб «зангори кема»ларни бошқаришни ўрганадилар. Ўзаро текширув бригадаси аъзолари шу райондаги Навоий номли колхозда ҳам бўлдилар. Бу хўжаликда «Навоий-9» ва «Навоий-11» деб номланган янги сортли чигит синовдан ўтказилаяпти. Меҳмонлар янги сортли уруғ экилган далаларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар ва келаси йилда Жиззах областидаги Октябрь районн далаларига ҳам экишга аҳд қилдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ОРБИТАЛ КОМПЛЕКС УЧИШИДА ЯНГИ МУҲИМ БОСҚИЧ:

ОЧИҚ КОСМОСДА ИШЛАШ

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-6», «Союз-29» — «Прогресс-2» орбитал комплексида янги муҳим илмий-техникавий эксперимент муваффақиятли ўтказилди.

Учиш программасига мувофиқ космонавтлар В. В. Коваленок билан А. С. Иванченков 1978 йил 29 июлда космик фазога чиқдилар.

Очиқ космосга чиқишдан мақсад станциянинг ташқарисида ўрнатилган илмий аппаратларни кўчириб олиш ва қисман ўзгартириш борасидаги ишларни бажаришдан иборат эди. Ана шу аппаратлар ёрдамида станция космик фазога чиқарилган пайтдан буён ўтган 10 ой мобайнида микрометеор ҳолатини ўрганиш ҳамда космик моддаларнинг турли материаллар хоссасига таъсирини тадқиқ этиш юзасидан экспериментлар ўтказилди.

Очиқ космик фазога чиқиш ва у ерда ишлаш бир неча босқичда амалга оширилди. Космонавтлар ўтиш бўлмасида скафандрларни кийиб олиб, сўнгра бўлмаларнинг герметиклигини очдилар ва Москва вақти билан соат 7 да космосга чиқиш учун мўлжалланган туйнукни очдилар.

Борт инженер Иванченков станциядан очиқ космик фазога чиқди ва ишлар ўтказиладиган зонада тўхтади. У махсус асбоблар ёрдамида белгиланган илмий аппаратларни кўчириб олиш ишларини бажарди. Экипаж командири Коваленок Иванченковга ёрдам бериб, рангли кўчма телевизион камера воситасида станция элементлари ҳамда борт инженерининг станциядан ташқаридаги ҳаракатлари тасвирини ерга юбориб турди.

Экипаж микрометеорларни қайд этувчи система приборларидан бирини, бўлгуси космик аппаратларни ясаш чоғида фойдаланиладиган полимер, оптик ва бошқа конструкцион материаллари бўлган кассеталарни, шунингдек биополимерлари бўлган кассеталар блокини станция ҳонасига олиб ўтди.

Ташқарига чиқиш жараёнида ярим қаттиқ типдаги скафандрлар ва уларнинг системаларини янада синаб кўриш, космонавтларнинг очиқ космосдаги ҳатти-ҳаракатларини пишиқтириш давом эттирилди, шунингдек станциянинг ташқарисида ҳаракат қилиш ва маҳкам туриш қулайликлари учун мўлжалланган конструктив элементлар текшириб кўрилди.

Экипаж очиқ космик фазоза ва герметиклиги очилган ўтиш бўлмасида турган бутун вақт мобайнида скафандрлар ва уларнинг системалари космонавтларга қулай иш шароитларини ҳамда белгиланган илмий-техникавий экспериментлар программасининг тўла ҳажмда бажарилишини таъминлади.

Космонавтлар очиқ космик фазода бўлган вақтларида телевизион репортаж ўтказдилар.

Космонавтлар очиқ космос шароитида жами 2 соату 05 минут бўлдилар.

Ишлар тамом бўлганидан кейин космонавтлар ўтиш бўлмасига қайтиб келиб, туйнукни ёпдилар. Сўнгра улар ўтиш бўлмасига нормал босим билан ҳаво юбориб, скафандрларни ечдилар ва станциянинг асосий ҳонасига ўтдилар.

Коваленок ва Иванченков ўртоқлар очиқ космик фазо шароитида бўлганларидан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Область ижроия комитетида 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик ва уни ўтказишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Область статистика бошқармасининг бошлиғи Ж. Р. Ризаев Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик ва жамоат ташкилотлари, муассаса, корхоналарнинг бу соҳадаги вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Янгийўл район ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Х. Бектурсунов, область ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. С. Майоров, Бўстонлиқ район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. А. Девяткин, область коммунал хўжалик бошқармасининг бошлиғи М. М. Мирҳўжаев, статистика бўйича Ангрен шаҳар ҳисоблаш марказининг бошлиғи И. А. Зареччина, область маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. М. Афанасьев ва Ўрта Чирчиқ район статистика бошқармасининг бошлиғи В. И. Хегай қатнашдилар.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари Ф. Ғ. Еқубов бу муҳим кампаниянинг сиёсий-иқтисодий ва социал аҳамияти, жойларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида сўзлаб, кенгашни якунлади.

СУТ СИФАТЛИ БЎЛСИН

1978 ИИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ДАВЛАТГА СОТИЛГАН СУТНИНГ СИФАТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — хўжаликлар; иккинчи устун — давлатга топширилган сут—тонна ҳисобида; учинчи устун—биринчи сортга топширилган сут—процент ҳисобида; тўртинчи устун — иккинчи сортга топширилгани; бешинчи устун — сортсиз сут).

ОҚҚЎРГОН РАЙОНИ				
«Ленинобод» колхози	290,1	94	—	6
Вотинцев номли колхози	242,3	9	—	91
«Партия XXII съезди» колхози	182,7	90	—	10
«Озод» колхози	167,2	100	—	—
«Коммунизм» колхози	134,9	—	—	100
Куйбишев номли колхози	173	76	—	24
Х. Олимжон номли колхози	193	—	—	100
Охунбобоев номли колхози	249,1	83	—	17
Навоий номли колхози	59	72	—	28
«Ленинизм» колхози	190	21	—	79
«Оққўрғон» совхози	419,3	44	—	56
С. Сегизбоев номли совхози	312,4	100	—	—
Район бўйича:	2613	59	—	41
ОҲАНГАРОН РАЙОНИ				
«Оҳангарон» совхози	1038,8	73,3	25,0	1,7
Ворошилов номли совхози	361,7	77,8	13,4	8,8
С. Раҳимов номли совхози	401,4	68	28,5	3,5
«Ангрен» совхози	568,7	43,8	49,1	7,1
Тошкент от заводи	937	62,5	14,8	22,7
Серго номли совхози	242,7	30,8	41,8	27,4
«Ғаллакудуқ» совхози	198,7	88,7	11,3	—
Район бўйича:	3749	64,1	25,7	10,2
БЕКОБОД РАЙОНИ				
Навоий номли колхози	282,6	100	—	—
«Победа» колхози	241,4	100	—	—
Дзержинский номли колхози	284,6	—	—	100
Ленин номли колхози	692,4	100	—	—
«Коммунизм» колхози	14,7	100	—	—
1-«Далварзин» совхози	331,7	14,7	—	85,3
«Партия XXV съезди» совхози	552,5	42,7	—	57,3
Мавлонов номли совхози	232	100	—	—
«Авангард» совхози	231,9	53,9	9,3	36,8
Ойбек номли совхози	282	75,7	24,3	—
«Ленинград» совхози	164,8	82,1	17,9	—
«Октябрь 50 йиллиги» совхози	151,4	100	—	—
Район бўйича:	3462	74,3	3,4	22,3
БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ				
К. Маркс номли колхози	219	75,2	24,8	—
Калинин номли колхози	188,4	83,5	16,5	—
«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози	229,8	86,0	13,4	0,6
Фрунзе номли колхози	287,7	63,6	34,0	2,4
«Қизил-Ту» колхози	249	76,9	23,0	0,1
«Ленинград» колхози	188	67,8	30,6	1,6
Жданов номли колхози	137,7	86,3	13,7	—
«Чорвоқ» совхози	220,1	76,6	22,3	1,1
«Бўстонлиқ» совхози	360,7	62	37	1,0
«Хўжакент» совхози	598,8	82,9	15,9	1,2
Бошқа хўжаликлар	124,6	96,3	2,9	0,8
Район бўйича:	2804	76,5	22,5	1,0
БЎКА РАЙОНИ				
«Партия XX съезди» колхози	134	99,4	0,6	—
Ленинобод» колхози	115,5	93,2	6,8	—
«Ленинизм» колхози	118,8	90,2	9,8	—
«Партия XIX съезди» колхози	145,5	90,1	9,9	—
Ҳамза номли колхози	336,7	100	—	—
«Ленин йўли» колхози	279,4	97,5	2,5	—
К. Маркс номли колхози	115,8	93,1	6,9	—
Тимирязев номли колхози	155,7	80,5	19,5	—
«Октябрь 40 йиллиги» колхози	289,4	90,0	10	—
«Коммунизм» колхози	129,8	88,4	11,6	—
Жамбул номли колхози	99,5	84,2	15,8	—
Мичурин номли колхози	137,8	97,6	2,4	—
Ильич номли колхози	56,3	86,7	13,3	—
Фрунзе номли колхози	117,5	99,6	0,4	—
«Бўка» совхози	382,2	96,7	3,3	—
«Кўқорол» совхози	228,1	86	14	—
Район бўйича:	2842	95	5,0	—
ҒАЛАБА РАЙОНИ				
Киров номли колхози	176,7	96	4	—
«Победа» колхози	228,1	100	—	—
Энгельс номли колхози	92,5	100	—	—
Свердлов номли колхози	456,7	100	—	—
Ленин номли колхози	462,1	100	—	—
«Заря коммунизма» колхози	402,7	100	—	—
«Москва» колхози	133	87	13	—
Димитров номли колхози	918,5	100	—	—
Ҳамза номли колхози	314,8	94	6	—
«Ленинград» колхози	424	100	—	—
«Огонёк» совхози	329,8	100	—	—
Волков номли совхози	764	72	—	28
«Коммунизм» совхози	275,5	100	—	—
«ЎзССР беш йиллиги» совхози	811,3	96,8	3,2	—
Калинин номли совхози	246,9	100	—	—
Киров номли тажриба хўжалиги	686,4	88	1	11
Район бўйича:	6823	94,1	1,7	4,2
КАЛИНИН РАЙОНИ				
Оржоникидзе номли колхози	239,3	88,6	11,4	—
Калинин номли колхози	366,0	98	2,0	—
Куйбишев номли колхози	154,5	83,0	17,0	—
«Партия XX съезди» колхози	175,1	100	—	—
«Москва» колхози	202,6	88,3	—	11,7
«Партия XXI съезди» совхози	176,1	82,1	14,5	3,4
«Қорасув» совхози	230	98	2,0	—
«Хасково» совхози	305,2	98	2	—
«Назарбек» совхози	136,9	100	—	—
Свердлов номли совхоз	522,4	98	2	—
«Москва» совхози	124,2	97,8	2,2	—
Гагарин номли совхоз	172,4	98,4	1,6	—
«Бўзсув» совхози	341,8	56,2	28,8	15
«Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси	203,2	7,1	52	40,9
Бошқалар	225,3	19,5	78	2,5
«Текстильчик»	3,0	84,3	—	15,7
Район бўйича:	3578	81,5	13,8	4,7
КОММУНИСТИК РАЙОНИ				
«Ўзбекистон» колхози	738	89,2	10,8	—
«Правда» колхози	1251	98,4	1,6	—
«Политотдел» колхози	1416	96,4	3,6	—
«Ленинский путь» колхози	913	69,3	—	30,7
Свердлов номли колхоз	984	94	6	—
«Коммуна» колхози	363	75,5	24,5	—
«Гулистон» колхози	294	42,5	57,5	—
Калинин номли колхоз	276	59,7	40,3	—
«Ленинобод» колхози	289	100,0	—	—
Энгельс номли колхоз	266	84,5	15,5	—
«Паркент» совхози	207	72	28	—
«Юқори Чирчиқ» совхози	193	100	—	—
Район бўйича:	7190	86,7	9,4	3,9
ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ				
«Қизил Ўзбекистон» колхози	577,4	69	27	4
«Октябрь» колхози	453,2	94	6	—
«Маданият» колхози	294,9	71	29	—
«Коммунист» колхози	332,1	66	32,5	1,5
«Правда» колхози	366,7	96	4	—
Ленин номли колхоз	466,8	70	26	4
«Қибрай» совхози	141,7	85	15	—
«Дўрмон» совхози	82,2	92	8	—
Оржоникидзе номли совхоз	148,5	30	64	6
«Красний водопад» экспериментал базаси	985,1	82	16	2
Союз НИХИ марказий экспериментал базаси	197	90	10	—
Троицкий ёрдамчи хўжалиги	21,4	90	10	—
Бошқа ташкилотлар	94	100	—	—
Район бўйича:	4161	78,6	19,7	1,7
ПИСКЕНТ РАЙОНИ				
Ленин номли колхоз	188,2	70,8	21	8,2
Калинин номли колхоз	163,1	81,8	17,8	0,4
«ЎзССР 50 йиллиги» колхози	40,9	48,4	35,8	15,8
«Гулистон» колхози	207	78,7	16,5	4,8
Тельман номли колхоз	131	61,4	38,2	0,4
Охунбобоев номли колхоз	301	99,7	0,3	—
Свердлов номли колхоз	304	86	14	—
1-«Пискент» совхози	685,3	91,8	8,2	—
2-«Пискент» совхози	582,5	89,4	10,6	—
Район бўйича:	2603	86,1	12,6	1,3
ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ				
Охунбобоев номли колхоз	220	95,2	4,8	—
Ким Пен Хва номли колхоз	330	100	—	—
Ленин номли колхоз	244	85,8	14,2	—
«Северний маяк» колхози	345	99,8	0,2	—
Свердлов номли колхоз	202	75,6	24,2	—
Карл Маркс номли колхоз	290	80,5	19,5	—
«Коммунизм» колхози	135	88,9	11,1	—
«Ленин йўли» колхози	284	83,0	17,0	—
Энгельс номли колхоз	158	75,3	24,7	—
«Партия XXII съезди» колхози	119	72,3	27,7	—
Терешкова номли колхоз	105	70,1	29,9	—
Куйбишев номли колхоз	118	85,2	14,8	—
А. Икромов номли колхоз	127	79,4	20,6	—
«Горняк» совхози	11	100	—	—
Район бўйича:	2688	86,6	13,4	—
ТОШКЕНТ РАЙОНИ				
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози	751,9	100	—	—
К. Маркс номли колхоз	403,2	75,6	24,4	—
Ильич номли колхоз	444	90,5	9,5	—
Навоий номли колхоз	608,6	100	—	—
Ленин номли колхоз	396,4	95,6	4,4	—
Охунбобоев номли колхоз	391,6	88	12	—
«Ленин йўли» колхози	335,9	93,2	6,8	—
«Тошкент» совхози	196	96,2	3,0	0,8
«Ленинград» совхози	217,4	86,3	13,2	0,5
Абдурахмонов номли совхоз	188,8	93	5,7	1,3
Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий текшириш институти	147,2	95,3	4,7	—
Район бўйича:	4053,7	93	6,9	0,1
ЧИНОЗ РАЙОНИ				
Охунбобоев номли колхоз	204	100	—	—
«ЎзССР 30 йиллиги» колхози	201,4	100	—	—
К. Маркс номли колхоз	166,6	100	—	—
«Қизил Октябрь» колхози	187,5	100	—	—
«Октябрь 40 йиллиги» колхози	200,8	94,7	5,3	—
Киров номли колхоз	142,5	97,0	3,0	—
«Москва» колхози	147	100	—	—
Энгельс номли колхоз	161,9	100	—	—
С. Раҳимов номли колхоз	140,7	100	—	—
«Партия XXIV съезди» совхози	663,7	98,9	1,1	—
«Янгиобод» совхози	155,8	100	—	—
«Чиноз» наслчилик совхози	2558,4	100	—	—
Район бўйича:	4930	99,6	0,4	—
ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ				
«Коммунизм» колхози	581,9	96,6	3,4	—
Жданов номли колхоз	172,5	97,1	2,9	—
«Ленинизм» колхози	406	98,3	1,7	—
Ленин номли колхоз	392,8	99,1	0,9	—
Ниёзов номли колхоз	283,1	100	—	—
Х. Турсункулов номли колхоз	291,3	98,5	—	1,5
«Партия XXI съезди» колхози	123	100	—	—
Калинин номли колхоз	238,2	99,2	0,7	0,1
«Интернационал» колхози	228,9	96	4	—
У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси	435,9	96,8	3,2	—
САМИС	90,2	94,8	2,4	2,8
САИМЭ	52,2	87,7	12,3	—
Район бўйича:	3296	97,6	2,2	0,2
Область бўйича:	54794	85,1	9,2	5,2

Область колхозлари ва давлат хўжаликлари сут етиштириш ва давлатга топширишни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпайтирдилар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2228 тонна кўп сут етиштириб, давлатга 3054 тоннадан кўпроқ сут сотилди.

Чорвачилик комплекслари ва фермалари ходимлари етиштирилган маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бераётирлар. Давлатга сотилган жами маҳсулотнинг 85,1 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 процент кўпдир. Сутнинг ўртача ёғлилик даражаси область бўйича 3,5 процентга етказилди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 0,04 процент кўп.

Чиноз райони хўжаликлари сутнинг сифати бўйича яхши кўрсаткичларга эришаётирлар. Бу районда ги 12 хўжаликнинг 9 таси сутни фақат биринчи сортларга топширмоқда. Умуман, район бўйича жами сут сортли сотиляпти.

Тошкент, Янгийўл районларининг колхозлари ва давлат хўжаликларида сутнинг сортлилик даражаси 99,8 процентга етказиб, яхши кўрсаткичларга эришилмоқда.

Бироқ, областнинг айрим хўжаликлари ва районлари давлатга топшираётган сут сифатини сезиларли даражада пасайтириб юборишмоқда. Масалан, Оққўрғон райони хўжаликларида давлатга биринчи сортли сут топшириш 28,5 процентга, Оҳангарон районида 9,9 процентга, Бўка районида эса 7,3 процентга камайиб кетди.

Сут сифатининг пасайиб кетиши хўжалик иқтисодига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу ўринда давлатга топширилган бир тонна сортли сутнинг қиймати 261 сўм, сортсиз сутнинг қиймати эса 227 сўм эканлигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Умуман, область бўйича шу йилнинг биринчи ярмида сут маҳсулотининг паст сифат билан сотилиши натижасида 391 минг сўм кам фойда олинди.

Сут сифатини яхшилаш борасидаги тадбирларни амалга оширишда сут-товар фермаларининг маҳсулотни дастлабки ишлаш, совутгичлар, сутни сақлаш жиҳозлари билан етарли миқдорда таъминланмаганлиги жиддий тўсқинлик қилаётир.

Мавжуд совутгичларнинг айримлари ишламайди. Бунинг натижасида сут хўжаликдан совутилмай қабул пунктларига етказиб бериляпти.

Сут тайёрлашда ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Айрим хўжаликлар асбоб ва реактивларнинг шунингдек, анализ қила оладиган ходимларнинг йўқлигидан сутнинг таъмини, тозалигини ва сортлилигини аниқламай, сут заводларига ёки сут пунктларига жўнатаверадилар. Сутнинг бу кўрсаткичлари завод ёки пункт лабораторияларида аниқланади. Натижада қуйидаги ҳол рўй беради: маҳсулот колхоз ёки давлат хўжаликларида етиштирилади-ю, унинг энг муҳим кўрсаткичини яъни сифатини эса сут тайёрловчилар аниқлайдилар. Бундан кўпинча хўжаликлар зарар кўрмоқдалар.

Сут сифатини яхшилаш фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, ижтимоий томондан ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки у халқнинг ўсиб бораётган талабларини қондиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Н. НОСИРОВ,
қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича Тошкент область бош Давлат инспектори.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ— ОЛТИНДАН ҚИММАТ

(Боши 1-бетда).

Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз билан мусобақадош. Жиззахлик мусобақадошлар ўз дўстларининг далаларида бўлиб баҳри диллари очилди. Колхоз аъзолари зиммаларидаги юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Самарали меҳнат туфайли колхоз далаларида мўл ҳосил тўпланди. Кўпгина бригада далаларига «Сифат белгиси» берилган. Айниқса Раҳмон Шарифбоев, Нормат Нурмуҳамедов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар иш сифати мақтовга лойиқдир. Мусобақадошлар бу ерда бригадалараро, механизаторлараро, сувчилараро уюштирилган мусобақа формалари билан яқиндан танишдилар.

Жиззахликлар Чиноз районидаги «Янгиобод», «Партия XXV съезди» совхозлари чорва комплекслари, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида ҳам бўлиб, чорвадорлар тажрибаси билан танишдилар. Айниқса наслчилик совхоз-техникуми директори Н. И. Гусаков билан бўлган суҳбат давомида улар кўпгина янгиликлардан хабардор бўлдилар.

Мусобақадошларимиз Ўрта Чирчиқ райони пахтакорлари меҳнатига ҳам юқори баҳо бердилар. Ғалаба районги колхоз ва совхозларида ҳосилдорликни ошириш, пахта сифатини яхшилаш бўйича тўпланган тажрибага қизиқиш билан қарадилар. Район пахтакорларининг мусобақасида «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ишчилари голиб бўлиб келишяпти. Бу совхоз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев, КПСС XXIV съезди делегати Абдусаттор Сулаймонов каби донгдор пахтакорлари билан машҳур. Совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Райондаги Димитров номли колхоз заршунослари ҳам Пленум қарорларига жавобан бу йил ҳосилдорликни 42 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Коммунистик, Бўка, Янгийўл, Оққўрғон, Пискент, Бекобод районидаги кўпгина хўжаликлар ҳам юксак мажбуриятларига яраша меҳнат қилмоқдалар.

Мусобақадошлар ўзаро текширув давомида ютуқларни қайд этиш билан бирга ишда йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам рўйи-рост кўрсатдилар. Ҳали ҳам айрим хўжаликларда ғўзанинг ривожланишида қолоқлик сезилмоқда. Бу муҳим агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, чеканкани кечиктириш натижасида содир бўлмоқда. Коммунистик, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларидаги кўпгина хўжаликларда ғўза бўйига ўсаяпти-ю, аммо ҳосил тугиши сust. Оққўрғон ва Бекобод районларидаги баъзи хўжаликларда эса ғўза кўллатиб суғорилмоқда. Айни пайтда ғўзага ишлов бериш суръатлари ҳам пасайиб кетмоқда. Шундай долзарб дамларда беиш турган техника ва тракторларни кўриб, меҳмонлар ҳайрон бўлишди.

Чорвачиликни ривожлантириш, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда ҳам қолоқлик сезилмоқда. Текширув давомида бу нуқсонлар ҳам кўрсатилди.

Халқимизда дўстлар маслаҳати олтиндан қиммат деган нақл бор. Колхоз, совхоз, район раҳбарлари жиззахлик мусобақадошлар текшируви давомида аниқланган нуқсонларни тезда бартараф этиш тадбирларини кўришлари керак. Бутун куч ва эътибор ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилида зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг тўла-тўкис бажарилишига қаратилиши лозим.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛАРГА ЗАРБА

ЛАГОС. (ТАСС). Нигерияда чиқадиган «Най Жириэн Геральд» газетаси Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа давлатларининг Африкадаги давлатларга нисбатан принципиал ва бегараз сиёсатига юксак баҳо берди. СССРнинг бу қитъада халқларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишдан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқ, бу халқларнинг ўзлари ҳам ташқаридан қилинаётган ҳамлаларга қарши ёрдам беришни сўраб, СССРга мурожаат қилмоқдалар, деб ёзади газета.

АҚШ ва унинг НАТО блокидаги иттифоқчиларининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг Африкага доир сиёсати моҳиятини бузиб кўрсатиш йўлидаги уринишлари, деб уқтириб ўтилади мақолада. Африкани озод қилиш учун олиб борилаётган курашни заифлаштириш, мустақил давлатларни ва миллий озодлик ҳаракатларини ўзининг ишончли иттифоқчиларидан маҳрум этиш мақсадини кўзда тутади.

Биз, деб таъкидлайди «Найжириэн Геральд» газетаси, Совет Иттифоқи ва бошқа социализм мамлакатларининг ирқчиликни, социал зулм ва тенгсизликни узил-кесил тугатишга қаратилган сиёсатини табриклаймиз. Ғарб Африкада ирқчилик, социал зулм ва тенгсизликни жорий этмоқда.

НАМИБИЯНИНГ ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). БМТ хавфсизлик кенгаши Намибия масаласини кўриб чиқди. Бу проблеманинг хавфсизлик кенгашида муҳокама этилиши жаҳон ҳамжамияти Намибияни Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг мустамлакачилик оккупациясидан озод қилиш кечиктириб бўлмайдиган, энг муҳим халқаро вазифа эканлигига астойдил амин бўлганлигини акс этдиради.

БМТ хавфсизлик кенгаши қабул қилган резолюцияда Намибиянинг бирлиги ва территориал бутунлиги таъкидлаб ўтилган. Намибия территориясининг ажралмас қисми бўлган Уолфиш-Бей портини бу мамлакатга тезроқ қайтариб бериш учун зарур бўлган тадбирлар тамомила қўллаб-қувватланаётганлиги изҳор қилинган.

Жанубий Африка Республикасидаги ирқчилар режими ана шу территорияни ўз ерига кўшиб олган эди.

Хавфсизлик кенгаши тасдиқлаган яна бир резолюция БМТ Бош секретарига Намибия учун махсус вакил тайинлашни ҳамда Намибия масаласини хавфсизлик кенгашининг резолюцияларига мувофиқ ҳал этиш тадбирлари хусусидаги тавсияларни ўз ичига олган доклади тақдим қилишни топширди.

УМБЕРТО НОБИЛЕ ВАФОТ ЭТДИ

РИМ. (ТАСС). Италиянинг машҳур қутб тадқиқотчиси, истеъфодаги генерал Умберто Нобиле Римда 93 ёшида вафот этди.

1926 йилда У. Нобиле ўзи ясаган «Норвегия» дирижаблининг командири сифатида Р. Амундсеннинг Арктика экспедициясида иштирок этди. Бироқ итальян тадқиқотчисига бошқа бир саёҳат жуда зўр шуҳрат келтирди: 1928 йилда у Италиянинг «Италия» дирижаблида шимолий қутбга қилинган экспедициясига раҳбарлик қилди. Дирижабль Шпицберген яқинида ҳалокатга учради. Дирижабль қулаб тушганидан кейин экипажнинг омон қолган аъзоларини «Красин» музёрар кемасидаги совет экспедицияси қутқарган эди.

У. Нобиле 1932—1936 йилларда етакчи дирижаблсоз-конструкторларнинг бири сифатида Москвада ишлади. У иккинчи жаҳон уруши натижасида Италияда фашизм тор-мор этилганидан кейингина муҳожирликдан ватанига қайтиб келди.

Умберто Нобиле — кўпгина китобларининг муаллифи. «Совет Иттифоқида мен нималарни кўрдим» деган китоб шулар жумласидан бўлиб, бу китобда унинг Москвадаги иши тасвирланади.

ПЕКИННИНГ СИЁСАТИ ҚОРАЛАНДИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Блокларга қўшилмаган мамлакатлар маоизм сиёсатини кескин равишда рад этмоқдалар, унинг гегемончилик йўли ва экспансиячилик ниятлари, блокларга қўшилмаган ҳаракат аъзоларини игвогарлик мақсадида бир-бирига қарши гиж-гижлатиш соҳасидаги уринишларини қатъиян қораламоқдалар.

Блокларга қўшилмаган мамлакатлар Ташқи ишлар министрларининг конференциясида қатнашаётган Вьетнам делегациясининг аъзоси, ВСР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Во Донг Зианг бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида бундай дейди: Хитой раҳбарлари Компучияни Вьетнамга қарши гиж-гижламоқда, игвогарлик мақсадида Кампучия билан Вьетнам чегарасида можаро уюштирди. Во Донг Зианг қурол-яроғ ортилган кемалар Хитойдан кун сайин Кампучияга келиб турганлигини таъкидлади. Кампучия армиясида Хитойнинг кўпгина ҳарбий маслаҳатчилари ишлаб турибди.

Халқаро реакциянинг Вьетнамга қарши кескин ҳамла қилаётганлигига сабаб шуки, деб сўзини давом этдирди Во Донг Зианг, Вьетнам каби мамлакатлар Жанубий-Шарқий Осиёга нисбатан экспансиячилик ниятида бўлганларнинг йўлидаги говдир.

Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари, деб уқтириб ўтди у, реакцион сиёсатни ўтказиб келмоқдалар. Хитой раҳбарларининг Чили хунтаси бошлиғи Пиночет билан муносабатларига эътибор бериш кифоядир. Блокларга қўшилмаслик ҳаракати ана шу қонли режим амалга ошираётган террор ва репрессияларни кескин қораламоқда. Хитой эса, бунинг аксича, Пиночет билан маҳкам ҳамкорлик қилмоқда.

Во Донг Зианг яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: империализм ва мустамлакачиликка, сионизм ва апартеидга қарши, реакцион кучлар экспансиясининг ҳар қандай формаларига қарши, бирликни мустаҳкамлаш учун кураш → ҳозирги босқичда блокларга қўшилмаслик ҳаракатининг асосий вазифасидир.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАШИНГТОН. Америка маъмурлари Нью-Йорк штатидаги Лейк Пласид шаҳрида барпо этилаётган олимпия қишлоғининг (1980 йилда бу ерда қишки олимпиада ўтказилади) тақдири тўғрисида ҳақиқатан ҳам ғаройиб қарор қабул қилдилар. «Вашингтон пост» газетасининг хабар қилишича спортчилар учун мўлжалланган шаҳарча мусобақалар тамом бўлгандан кейин реконструкция қилиниб... федерал турмага айлантирилади. Бунинг устига бутун қишлоқ ҳукумат турмалар бюросининг маблағлари билан барпо этилмоқда.

ОТТАВА. Тинчликни ҳимоя қилиш Канада конгрессининг президенти Жон Морган қуйидагиларни айтди. Тинчлик, кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгасига қарши курашаётган барча ташкилотларни бирлаштириш ва жипслаштиришга эришиш Канада тинчлик тарафдорларининг энг муҳим вазифасидир.

Ж. Морган жаҳон тинчлик кенгаши президиумининг яқинда Москвада бўлиб ўтган сессияси, шунингдек БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини уқтириб ўтди. Ана шу анжуманларда қабул қилинган ҳужжатлар, деб таъкидлади у, Канада тинчлиги учун дастур бўлиб хизмат қилади.

АММОН. Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган совет балетининг артистлари Иорданияга хилмахил ва мароқли программа билан келдилар. Большой театрнинг Киев, Минск, Тошкент, Олмаота балет труппаларининг солистлари Иордания пойтахти аҳолисини Совет Иттифоқининг балет мактаби эришган ютуқлар билан таништирдилар. Совет артистлари Иорданияга гастролга келмасдан олдин Сурия ва Қувайтда ўз маҳоратларини муваффақият билан намойиш қилишган эдилар.

МАПУТУ. Жанубий Африка Республикасининг Бош министри Форстер чўқур сувли Уолфиш-Бей портини Намибияга қайтариб бериш тўғрисида БМТ хавфсизлик кенгашининг қарорини бажаришдан бош тортди. Жанубий африка маъмурлари ана шу портни босиб олиб, Форстер преториядаги гапириб, Намибиянинг бу порти Жанубий Африка Республикасининг «мулки» ва у бу мулкни ўзи хоҳлаганча бемалол тасарруф этаверади, деб даъво қилди.

(ТАСС).

ГДР. Потсдам шаҳридаги Цециленхоф саройи 1945 йилда катта тарихий аҳамиятга молик воқеанинг гувоҳи бўлган эди. Бу ерда 17 июль—2 август кунлари СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг конференцияси ўтказилган эди. Гитлерчиларга қарши биргалиқда курашган давлатларнинг бу ерда қабул қилган қарорлари иккинчи жаҳон урушининг сиёсий якунларини мустаҳкамлаб, Европанинг урушдан кейинги тинч тараққиёт принципларини белгилаб берган эди. Суратда: туристлар тарихий саройни тамоша қилишмоқда.

С. Кулишов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҚИШЛОҚ МАДАНИЯТИ ЮКСАК БЎЛСИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ (1978 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҚИШЛОҚ ҲАЁТИГА ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИГА САВДО, МЕДИЦИНА, МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ОИД ҚАТОР МАСАЛАЛАРНИ ЎРГАНДИ ВА ОММАЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТДИ.

МАКТАБНИНГ БУ ГАЛГИ МАШҒУЛОТИ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ КЎРСАТМАЛАРИ ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА ҚИШЛОҚ КИШИЛАРИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ, УЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ. ҚУЙИДА АНА ШУ МАШҒУЛОТДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРНИ БАЁН ҚИЛАМИЗ.

ЯНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА

Г. ИУЛДОШЕВА,
область ижроия комитети раисининг ўринбосари.

ХАЛҚ депутатлари область Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети илғор тажриба мактабининг бу галдаги машғулоти КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги ва ВЦСПС Президиумининг шу масала бўйича белгилаган, шунингдек партия Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларининг бажарилиши ҳақида»ги муҳим мавзуга бағишланади.

Бу муҳим ҳужжатларда совет кишиларини гоявий-сиёсий, маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда социалистик маданият ва санъатнинг ролини янада ошириш, қишлоқ жойларидаги маданий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Ана шу кўрсатмаларни бажариш бўйича областимизда анчагина ишлар қилинди. Хусусан, маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти яхшиланди, уларнинг тармоғи кенгайди. Яхшигина томоша залларига эга бўлган янги кинотеатрлар, клублар ва маданият уйлари қурилди. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларида 402 клуб, 605 кутубхона, 452 кинотеатр бор. Кино установкалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ана шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағларнинг кўпайиши ҳам қувонтирарли даражада.

Шу билан бирга қишлоқда олиб борилаётган маданий оқартув ишлари партия XXV съезди қўйган талабларга тўла жавоб беролмайди. Коммунистик партия шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни камайтириш, деҳқон билан ишчи характерини яқинлаштириш йўлидан бормоқда. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш манфаатлари қишлоқ меҳнаткашларининг умумий маданиятини кўтаришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам сиёсий ва маънавий, тарбиявий, иқтисодий ҳамда илмий пропаганда марказлари бўлган маданий-оқартув муассасаларининг роли янада ошди.

Шунга эришиш керакки, ҳар бир қишлоқ клуби, кинотеатр, маданият уйи ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олсин. Унга кишилар қувонч билан кириб, бу ердан маънавий озуқа, янги-янги бунёдкорликлар учун ижодий жўшқинликлар ололсинлар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг янги кўрсатмалари ана шу масалаларни ҳал этишга қаратилган.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

МОДДИЙ БАЗАНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

М. УБАЙДУЛЛАЕВА,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КИШИЛАРНИ гоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тарбиялаш вазифаси — партия белгилаган улкан режалардан бири ҳисобланади. Бу албатта бугун ёки эртага ҳал этиб қўйиладиган проблема эмас. Инсон онгининг юксалиб бориши, маданий дунёқарашининг шаклланишида яратилаётган моддий база муҳим роль ўйнайди.

Бу ҳаётда исботланган тажриба. Аммо буларни амалга оширадиган ҳам одамларнинг ўзи, ўша ташкилот, корхона, хўжалик ёки муассаса ходимларининг ўзларидир.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида қишлоқ аҳолисига маданий хизматни янада яхшилаш, мамлакат территориясида маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш, уларни ишини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан бундан кейин амалга ошириладиган тадбирлар конкрет кўрсатиб ўтилди.

Колхозимизда ана шу кўрсатмаларга риоя этиб бир мунча ишлар қиляпмиз. Биз аввало хўжаликдаги мавжуд 12 та дала шийпонининг ҳаммасини меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган масканига айлантирдик.

Ҳозирги даврда қишлоқ маданияти тубдан ўзгариб бормоқда. Буни биргина Дўрмон қишлоғи мисолида ҳам кўриш мумкин. Қишлоғимизга бундан ўн йил аввал келиб кетган киши ҳозир унинг қиёфасини таний олмайди. Янги типдаги уйлар, йирик савдо масканлари, равон кўчалар, қиёбонлар, шинам қурилган маъмурий бинолар унинг кўркига кўрк қўшган. Колхоз марказидаги Маданият саройи, яқинда фойдаланишга топширилган 300 ўринли ёзги кинотеатрлар меҳнаткашларнинг севимли қошонасига айланиб қолди. Бу ерда колхоз ашула ва рақс ансамоли намуналарини ишлаб турибди. Улар вақти-вақти билан яйловларда, фермаларда, дала шийпонларида концертлар кўрсатмоқдалар.

Биз Ўзбекистон театр жамияти, Ўзбекистон Давлат филармонияси билан яқиндан алоқа боғлагамиз. Колхозни оталиққа олишган бу ташкилотларнинг санъаткорларига меҳнаткашларимиз чин дилдан ихлос қўйишган.

Колхозда ташкил этилган «Бахт уйи» ёшлар ҳаётига янгича, маданий турмуш тарзини сингдиришда кўп ишлар қилди. Икки йил ичида бу ерда группа-группа шаклида 56 нафар ёшларнинг бахт тўйини ўтказдик. Ёш оилалар учун умрбод эсда қоладиган тантанага айланган бу традицияни биз бундан буён ҳам давом эттирамиз. Қишлоқ кишиларининг маданий ҳаёт кечиришлари учун керакли шароитларни яратаверамиз.

* * *

Бу машғулотда озиқ-овқат саноати ишчилари область касаба союз комитетининг раиси **С. Л. Бобоева**, область матлубот жамияти раисининг ўринбосари **А. В. Ли**, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар комитетининг раиси **М. Х. Худоёров** ва Оққўрғон район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси **Х. Ғ. Ғаффоров** ўртоқлар ҳам ўз тажрибалари ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг машғулот юзасидан тавсия қабул қилинди.

ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗ

М. САФАРОВ,
Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июль Пленуми қишлоқ партия ташкилотлари, советлар, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг оммавий сиёсий ишларини изчил олиб бориш, дала меҳнаткашларининг ижодий изланишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳар кунги вазифаларини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда қилган докладида бундан бўёнги асосий вазифа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жуда кенг маънода тушуниладиган меҳнат, турмуш ва инсоний муносабатлар маданияти билан уйғунлаштириб олиб боришда эканлигини ҳам алоҳида уқтирди.

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Бадиий ижодкорликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек Марказий Комитетнинг июль (1978 йил) Пленуми материаллари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги сермазмун доклади партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва маданий оқартув муассасалари учун амалий программа бўлиб қолди. Республикамиз, шунингдек, область партия комитетлари, область ижроия комитетининг шу мавзуда қабул қилган қарорлари ҳам қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги катта тадбирлардир.

Халқ депутатлари область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, Тошкент область касаба союзлари Совети, кўпгина касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия органларининг раҳбарлигида ўзларининг идеология иши борасидаги масъулиятларини тўла ҳис қилиб яхши ишламоқдалар.

Ҳозирги пайтда пойтахт областимизнинг қишлоқларида 402 клуб маданий-оқартув ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, 605 кутубхона, 452 кинотеатр ва бир неча киноустановкалар, тўртта истироҳат ва маданият боғи, давлат ўлкашунослик музейи ҳам меҳнаткашлар хизматида.

Ўнинчи беш йилликнинг бошидан буён областда ўн битта янги қишлоқ клублари, 20 та кутубхона ишга тушди. Колхоз ва совхозларда қурилган клубларнинг кўплари кўрки жиҳатидан шаҳардагилардан қолишмайди. Бу маданият масканларининг анчагинаси янги жиҳозлар, инвентарларга эга бўлди. Областимиз қишлоқларида кинотомошабинлар сони ҳам ортиб бораётир. Ҳар йили ўртача 8,5 миллион томошабин кинога жалб этилди.

Клубларда тематик кечалар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, қишлоқ хўжалик илғорлари билан суҳбатлар, фан, санъат арбоблари билан бўлган суҳбатлар дала меҳнаткашларининг маънавий бойиб боришларида катта роль ўйнамоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ меҳнаткашлари учун 45 мингдан кўпроқ лекциялар ўқилди.

Областимиз маданий ҳаётининг ютуқларидан бири бадиий ҳаваскорлик тўгараклари вакилларининг биринчи Бутуниттифоқ фестивалида иштирок этганлигидир. Ўзбек халқ чолғу ансамблларида кўригида Оржоникидзе районининг ёш ҳаваскорлари яхши натижаларга эришдилар. Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг маданият саройида ташкил этилган «Чен-чун» вокель-чолғу ансамбли, Калинин районидаги «Хонобод» маданият уйининг ўзбек халқ чолғу ансамбли коллективларининг ором-бахш қўшиқлари, куйлари, ранг-баранг чиқишлари қишлоқ меҳнаткашларининг ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тўқимачилик ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон металлургия ва Тошкент трактор заводларининг маданият уйлари, «Коммунальник» клублари билан қишлоқ меҳнаткашлари боғлаган кўп йиллик алоқа юксак самара бераётганлигини ҳаёт тажрибада исботлади.

Бу йилги экин экиш кампанияси даврида шаҳарлик ташкилотлар қишлоқ меҳнаткашларининг тез-тез меҳмонлари бўлдилар. 3500 киносеанс кўрсатилди, шаҳарликлар 34 та дала шийпонида кўргазмали агитацияни яхшилашга кўмаклашдилар. Биргина шу йилнинг ўзида область касаба союзлари Совети дала шийпонларига 265 та кутубхона юборди. Уларни анчагина плакатлар билан таъминлади.

Санъат усталарининг қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш тадбирлари яхши анъанага айланиб қолмоқда. 13 театр ва бошқа бир неча ижодий ташкилотлар қишлоқ билан алоқа боғлаш бўйича шартномалар имзолашган.

Лекин ҳамма жойда ҳам маданий-оқартув ишлари яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айниқса, уларнинг қурилиши суст бормоқда. Масалан, Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида клуб қурилиши тўрт йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этмоқда. Бундай фактлар бошқа хўжаликларда ҳам учраб турибди.

Баъзан клубларнинг фаолияти қишлоқ меҳнаткашларининг билим даражаси, маданият мароми, турмушини ҳисобга олмаган ҳолда ташкил этилмоқда. Ҳамма клублар ҳам чинакам хордиқ чиқарадиган масканларга айланган деб бўлмайди. Илғор маданий оқартув муассасаларининг тажрибаси кенг оммалаштирилмайди.

Партия қишлоқда ҳозирги замон маданияти қандай бўлиши кераклигини аниқ белгилаб берди. Хусусан, бундан буён янги клублар, кутубхоналар сони кўпаяди. Кўчма маданият марказлари, кўчма кинотеатрлар ишга тушади. Давлатимиз ана шу режаларни амалга ошириш учун катта маблағлар ажратмоқда.

Яхши ишлаётган клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, дала шийпонлари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишини ташкилий ва моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ишини такомиллаштириш, ходимларини тайёрлаш, ҳаётини ҳамма томонлама ўрганиш, ишини ҳисобга олиш, ҳаётини ёритиш, ишини ҳисобга олиш, ишини ҳисобга олиш, ишини ҳисобга ол

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

КАЛИНИН районидаги А. Набиев номли пионерлар уйи ҳар доим ўқувчилар билан гавжум. Пионерлар бу ерда ёзги каникулларини жуда мароқли ўтказмоқдалар. 600 та яқин ўқувчи турли хил ҳунар ўрганиб, ўз билимларини мустаҳкамламоқдалар. Пионерлар уйида 12 хил тўгарак бор. Айниқса радиотехника, ўймакорлик, фото, бичиш-тикиш, ашула, драма тўгаракларидаги намунали фаолият кўрсатмоқда. Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ёш техниклар мусобақасида радио ҳаваскорлар учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Шу кунларда пионерлар ҳар бир тўгарак бўйича кўргазмалар ташкил этмоқдалар. Ўқувчиларнинг энг яхши ишлари бу ерда намойиш қилинади. Бундан ташқари улар шонли комсомолнинг 60 йиллигига альбом, тайёрлашди. «Ғунча» ансамблининг коллективи эса «Менинг номим комсомол» деб номланган адабий композиция тайёрламоқда.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

ТОШКЕНТ районининг колхоз ва совхозларида қад кўтараётган янги бинолар қишлоқлар ҳуснига-ҳуси қўшмоқда. А. Навоий номли, Ленин номли колхозлар ўзларининг бош планига эга. Шу асосда колхозларда янги мактаб, болалар боғчаси, турар-жой бинолари қурилмоқда. Ҳозир Навоий номли колхозда 640 ўринли янги мактаб ҳамда болалар боғчаси қурилиши жадал суръатлар билан бошлаб юборилди.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



● Новосибирск шаҳрининг академия шаҳарчаси боргансари чирой очмоқда. Сибирнинг марказ ҳисобланган мазкур шаҳар Обь денгизининг қирғоғида жойлашган. Бу ерда 25 дан зиёд илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари жойлашган бўлиб, у ерда 23 мингдан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қиладилар. Суратда: фан проспекти — шаҳарнинг энг гўзал магистралларидан бири.

В. Будан ва А. Поляков фотолари.

● Боровое курорти қозоғистонлик меҳнаткашларнинг энг севимли оромгоҳларидан биридир. Мовий кўллар ва хушманзара тоғ ён бағирларида кўплаб санаторийлар жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар йили минглаб меҳнаткашлар дам оладилар.

В. Медведев фотоси.

● Қирғизистон пойтахти Фрунзе ўзининг 100 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди. Шунисе қувончлиги шаҳар ободонлашиш билан бирга йилдан-йилга унинг территорияси кенгайиб кўҳна Олатоғ этакларига яқинлашиб бормоқда. Суратда: шаҳар марказидаги боғнинг кўриниши.

А. Толмачёв фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БИЛИМЛАР КЎРИГИ

Бугун барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланади. Ўтган йили институтимизнинг кундузги бўлимини салкам 300 йигит-қиз тамомлаб чиққан эди. Бу йил янгидан 400 га яқин киши қабул қилинади.

Институтимиз тайёрлаётган кадрлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Ёшларнинг билим олишлари, стук мутахассис бўлиб етишишлари учун бизда барча шароитлар мавжуд. 3 профессор, 10 доцент, 30 фан кандидати, 58 ўқитувчи ёшларга пухта билим бермоқдалар.

Кириш имтиҳонлари ҳар бир йигит-қиз зиммасига юксак масъулият юклайди. Бу имтиҳонларда ёшларимизнинг ўрта мактабларда олган билимлари атрофлича синовдан ўтказилади ва энг мунозиблар студент деган шарафли номга сазовор бўлади.

Шунисе қувончлики, кўпгина ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда институтимизнинг сиртқи бўлимларида 660 студент билим олмоқда. Бу йил яна кўплаб йигит-қизлар сиртқи бўлимга қабул қилинадилар.

Студентлик даврининг ўзига хос жозибаси, масъулияти бўлади. Бу йилларда киши ҳар томонлама чиниқади, камол топади. Билим чўққилари сари интилган ҳар бир кишига зафар ёр бўлсин.

С. АСҚАРОВА,
Ангрен педагогика институти ректори.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ» БАЗАСИГА ҚАРАШЛИ
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 7—10 синфни тамомлаган, 14—17,5 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Слесарь-сантехниклар, слесарь-вентиляциячилар, электрпайвандчилар.

Ўқиш муддати — 2—3 йил.

Слесарь-монтажчилар, токарлар, автослесарлар, машинист-кранчилар, монтажчилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Электр-пайвандчилар, огнеупорчилар, монтажчилар.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртида 1 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар ва 30 сўмгача стипендия ёки овқат билан таъминланмай 60 сўм стипендия олишлари мумкин.

Билим юртида 3 йил муддат билан ўқиган ўқувчиларга билим юртини битирганлиги тўғрисида ва ўрта маълумот ҳақида ҳамда 3—4 разрядга эга бўлганлиги тўғрисида ҳужжатлар берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 33 процанти тўланади.

Ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчилар билим юртини тугатганларидан сўнг олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 52, 68, 37-автобусларнинг «Ёг-мой комбинати» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИНИНГ МАРКАЗИ БАЗАСИГА ҚАРАШЛИ
42-ҚИШЛОҚ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ФИЛИАЛИ
1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОКАРЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-ЙИҒУВЧИЛАР, АВТОКРАНЧИЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИ СОЗЛОВЧИ СЛЕСАРЛАР, ҒИШТ ТЕРУВЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, МОНТЕРЛАРНИ ТАЙЕРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой ва 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА» МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ИИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар нунига 3 маҳал бепул овқат, нийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЕЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага нуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, медицина справкаси.

Филиалининг адреси: Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райони, Бектемир шаҳри, Лихачёв кўчаси, 13-уй.

Автобуслар («Тошкент—Тўйтепа», 63—«Вокзал—РТС» автобусларининг «9-автобаза», «Қўйлиқ—Водник» автобусининг «ЦБ ЭСРПП заводи» бекатлари).

ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ФЕСТИВАЛЬ

28 июлда Озодлик ороли пойтахтида ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали очилди. Областимиздаги ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари ёшлар ва студентларнинг Гаванада бошланган XI жаҳон фестивалининг ҳар бир кунини зардбор меҳнат билан нишонлаш ташаббуси билан чиқдилар. Ўн минглаб йигит-қизлар ана шу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Колхоз ва совхозлар бепоён далаларида, бунёдкорлик майдонларида, саноат корхоналарида ана шу кун юксак меҳнат ғалабаларига эришилди. Мухбиримиз областимиз районларида бўлиб, ватанпарварлик ташаббусига қўшилган ёшлар билан суҳбатлашди.

С. УМАРОВА,
Коммунистик район пахта фабрикаси комсомол ташкилотининг секретари.

ВЛКСМ XVIII съезди делегатларининг ватанпарварлик ташаббуси ёшларни янги зафарлар сари руҳлантириб юборди. Комсомол-ёшларимиз жаҳон фестивали очилган кунни меҳнат ғалабалари билан кутиб олдилар.

Корхонамизда 310 нафардан кўп комсомол-ёш меҳнат қилади. Мавжуд 8 бригаданинг ҳаммаси комсомол-ёшлар коллективларидир. Шу жумладан икки бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олишга муяссар бўлган.

Фестиваль шарафига кўтаринки руҳ билан ишламоқдамиз. Ҳ. Маҳмудова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси кунлик топшириқларни 170 процентга етказиб адо этмоқда. Бошқа бригада коллективлари ҳам ҳар қачонгидан унумлироқ меҳнат қилишяпти. Р. Норматова, М. Юнусова, Р. Содиқова, М. Норбоева каби ишчилар кунлик нормаларини бир ярим баробар бажаришяпти.

Фабрикамиз фестиваль фондига иш ҳақидан 700 сўм пул ўтказди. Зардбор кунларда меҳнат унумдорлигини 1,5 процентга ўстиришга эришмоқдамиз.

Корхона комсомол-ёшлари фестиваль давом этаётган даврнинг якшанбаликларида пахта далаларига чиқиб деҳқонларга ёрдам беришга аҳд қилишган. Коллективимиз ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивалини ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида ҳар қачонгидан ҳам активлик билан нишонлайди.

М. АЛИМОВА,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз сут согувчиси.

ЁШЛАР ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали дўстлик, тинчлик ишига қўшилган зўр ҳисса бўлиб хизмат қилади. Фестивалнинг «Империализмга қарши бирдамлик ва дўстлик учун» шиори остида ўтиши озод Ватаннинг фарзанди сифатида мени ҳам руҳлантириб юборди.

Фестиваль олди социалистик мусобақасида фермамизнинг кўпгина комсомол-ёшлари иштирок этдилар, Ферма аҳли кўп ва серқаймоқ сут согиб олиш учун курашмоқда.

Ёшлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш билан бирга ем-хашак тайёрлаш ишларида ҳам актив иштирок этишяпти.

Менинг ўзим 22 бош сигирнинг ҳар биридан йил схиригача 5000 килограммдан «сут чашмаси» яратишга сўз бердим. Шу давргача ҳар бош согин сигирдан 2700 килограммдан зиёд серқаймоқ сут согиб олдим. Бу муваффақиятимни фестивалга бағишлайман.

Б. ЖАВЛОНОВ,
Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози ўқувчи-ёшлар бригадаси аъзоси.

БРИГАДАМИЗДА Бобир номли мактабнинг 30 ўқувчиси меҳнат қилади. Ўқиш давридаёқ фестивалга тайёргарликни бошлаб юборган эдик. Фан предметлари, бадиий ҳаваскорлик, спорт бўйича конкурслар, мусобақалар ўтказилди. Бутуниттифоқ шанбалик куни мактаб талабалари колхоз далаларида самарали меҳнат қилдилар. Шу куни ўқувчилар пахта далаларида ота-оналарига ёрдам беришди, тонналаб табиий ўт ўрдилар.

Бригадамиз аҳли ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали очиладиган кунни ишчанлик руҳида далада кутиб олдилар. Шу куни сувчилар ҳар бир эгатдан кўз-қулоқ бўлиб ғўзаларни қониқтириб сифатли сугордилар, Карталарда чеканка ишлари олиб борилди.

Ўйлайманки, ана шу ишчанлик руҳи бундан кейин ҳам давом этади. Биз ўнинчи беш йилликнинг зардбор йилида ҳар гектар ердан 55 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга аҳд қилганмиз.

Спорт

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни пойтахтда — Марказий армия спорт клуби командаси билан ўтказди ва 1:3 ҳисобида енгилди. Ҳамма тўплар ўйинининг биринчи ярмида киритилди. Аввалига майдон эгалари ҳисобни очишди. Кейин эса Константин Баканов вазиятни тенглаштирди. Сўнгра армиячилар кетма-кет иккита тўп киритишди. Иккинчи бўлимда 3:1 ҳисоби ўзгармади.

Мамлакат футбол федерацияси спорт-техника комиссияси В. Федоровга нисбатан кўрган жазо чорасини енгиллаштириб, унга ўйинларда ўйнашга рухсат берди.

Эртага «Пахтакор» ўз майдонида пойтахт автозаводчиларини қабул қилади.

Иккинчи давранинг учинчи тур ўйинлари натижаси билан танишинг: «Торпедо» — «Нефтчи» — 1:0, «Черноморец» — «Заря» — 1:1, «Зенит» — «Арарат» —0:1, «Днепр» — «Спартак» — 0:2, «Локомотив» — «Қайрат» — 0:2, «Динамо» (Тб) — «Динамо» (М) — 1:1, «Шахтёр» — «Динамо» (К) — 2:0.

Бугунгача Тбилиси динамочилари 28 очко билан олий лига вакиллари ўртасида пешқадамлик қилишмоқда. «Шахтёр» 25 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган куни бўлиб ўтган учрашувда Киев динамочиларининг маглубияти уларни чемпионлик унвони учун даъвогарлик қилиш имконини анча қийинлаштириб қўйди.

ҲАМОН ҲИСОБ ОЧИЛГАНИ ЙЎҚ

Бугун Багиода жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан шу номга даъвогар Виктор Корчной ўртасида ўтказилаётган мусобақанинг навбатдаги еттинчи партияси ўйналади. Олти учрашувнинг ҳаммаси дуранг бўлиб тугади. Рақибларнинг бешинчи учрашуви икки марта кечиктирилиб давом эттирилди ва 12 соатдан ортиқ давом этган бу ўйинда ҳам томонлар дурангга рози бўлишди.

АНГРЕНЛИК ПОЙГАЧИНИНГ МЕДАЛИ

Тбилиси шаҳрида трек бўйича Совет Иттифоқи чемпионати бўлиб ўтди. Шунисе қувончлики, республикамиз вакиллари трек бўйича ўтказиладиган деярли барча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. Ўз спорт базасига эга бўлмаган, машғулотларни эса қардош Тожикистон республикасида ўтказаётган трекчиларимиз спортимиз доврўгига доврўг қўшишмоқда. Ангренлик Сергей Киргинцев 100 даврали группа пойгасида маррага биринчи бўлиб келди ва олтин медаль эгаси бўлди.

ЕШЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Ригада енгил атлетика бўйича ўсмирлар чемпионати давом этмоқда. Қизлар ўртасида 800 метрга бўлган югуришда республикамиз вакили Н. Данилова 2 минут 04.8 секунд натижа билан иккинчи ўринни олди. Ўсмирлар ўртасида 5 минг метрга бўлган югуришда Александр Кузнецов маррага учинчи бўлиб келди.

КОЛХОЗДА НАВОИЙХОНЛИК

Ғазал мулкининг буюк султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб Тошкент область шаҳар ва районларида ҳамда хўжаликларида қишлоқлари тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тематик учрашувлардан бири Тошкент районидаги Навоий номли колхоз клубида бўлиб ўтди. Шоир ижодини акс эттирувчи кўргазмалар, стенд, фото-монтаж ва фотоальбомлари ҳамма қизиқиш билан томоша қилди.

Навоийхонликка бағишланган кечани район партия комитетининг секретари М. Раҳимжонова очди. Профессор Ҳамид Сулаймонов «Ҳозирги даврда А. Навоий асарларининг ўрганилиши» мавзусида доклад қилди ва улуғ шоир ижодининг ўзбек совет адабиёти камолатида тутган ўрни ҳақида гапириб берди.

Филология фанлари доктори, профессор Х. Расулов, филология данлари кандидатлари Ф. Сулаймонова, М. Ҳакимов, шоир Назармат, Ўзбекистон Давлат санъат музейининг катта илмий ходими М. Аҳмедов ўртоқлар ҳозирги кунда шоир ижодининг катта аҳлоқий, эстетик ва тарбиявий аҳамияти ҳақида суҳбат қилдилар.

Шоирнинг таълим-тарбия, инсонпарварлик, адолатли ардоқловчи, пок муҳаббат ва озодликни таранним этувчи мисралари илмий конференция, суҳбат ва гурунглар тингловчиларига жуда манзур бўлмоқда.

Пойтахт областида навоийхонлик давом этмоқда.

З. ҚОДИРОВ,
«Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти референти.

БАРЧАНИНГ ИШИ

КПСС XXV съездида автомобиль саноати олдига улкан вазифалар қўйилди. 1980 йилгача бир йилда 2,1—2,2 миллион машина ишлаб чиқариш кўзда тутилди.

Фан ва техника тобора ривожланиб бораяпти. Қулайликларга эга бўлган янги маркали автомашиналар ҳаётга йўлланма олаяпти. Кўчаларда транспорт оқими йилдан-йилга кучайяпти. Шундай пайтда кўча ҳаракати хавфсизлигини сақлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Шу мақсадда кўпгина министрликлар, ташкилотлар қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Шаҳар йўллари реконструкция қилинаяпти, шофёрларни ўқитиш даражаси яхшиланмоқда, автомобиллар такомиллаштирилмоқда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида техника воситаларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Шу билан бир қаторда йўл ҳаракати қатнашчиларининг маданияти ва интизомини яхшилаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги бошланаётган шу кунларда бу ишни янада юксак савияда олиб бориш шаҳар автоинспекцияси ходимлари билан бир қаторда ҳар бир ташкилот, қолаверса ҳар бир ҳайдовчининг вазифаси бўлмоғи лозим. Айрим шофёрлар йўл қоидасини яхши билмаган ҳолда машина тезлигини оширадилар. Бу эса, шубҳасиз, авариялга олиб келади. Умуман авария ҳолати ҳақида гапирар эканмиз унинг келиб чиқиш сабабларига тўхталиб тўтиш ўринлидир. Кўпинча авария тезликни ошириш, маст ҳолда рулни бошқариш, чорраҳадан ўтиш қоидаларига етарли эътибор бермаслик, ўнг томондан юрмаслик ва қувиб ўтиш қоидасини бузиш туфайли юз бераяпти.

Айрим ҳайдовчилар манзилга етиш учун бир минутни тежайман деб бутун умрларини хавф остига қўймоқдалар. Шу йилнинг ўтган даври ичида тезликни ошириш туфайлигина юзга яқин авария содир бўлди. Шунингдек, қувиб ўтиш қоидасига риоя қилмаслик туфайли ҳам қаттиқ жароҳатланиш ҳоллари юз берди. Чорраҳадан нотўғри ўтганлик туфайли ҳам шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлди. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, маст ҳолда машина ҳайдаш — бу жиноят. Алкогол ичимлик ичган ҳайдовчи ўзини тута олмайди.

Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги даврида бу нарсаларга ҳеч ҳам катта эътибор билан қарашимиз керак. Шаҳар автоинспекцияси бу тадбирни бошлашдан олдин тайёргарлик ишлари олиб борилди. Транспорт, корхона, муассаса, билим юртлари коллективлари олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Жойларда комиссиялар тузилди. Йўл ҳаракати қоидаларини пропаганда қилиш ишлари олиб борилди. Бутуниттифоқ йўл хавфсизлиги ҳаракати ойлиги мақсадини билдирувчи тематик панно, стенд, шиор ва транспортлар ташкил этилди.

Ойликни юксак савияда ва кенг жамоатчилик ёрдамида ўтказиш ниятида алоҳида дружиначилар отряди, жамоатчи автоинспекторлар, ГАИ штатсиз ходимлари, оператив комсомол отрядлари жалб этилди.

БУТУНИТТИФОҚ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

●

«Ташпассавтотранс» бош бошқармаси, марказлашган юк ташиш шаҳар автотрести, «Главташкентстрой»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси, трамвай-троллейбус бошқармаси шаҳардаги бошқа автохўжаликлар олдига вазифалар қўйилди. Бу транспорт ташкилотлари Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлигини катта ташкилий тайёргарлик билан кутиб олишди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли кинофикация бошқармаси ойлик давомида шаҳар кинотеатрларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хроникал-ҳужжатли ва бошқа фильмлар кўрсатиб боради.

Умуман олганда йўл ҳаракати хавфсизлигига пухта тайёргарлик кўрилди. Энди эса тузилган тадбирларни тўла амалга ошириш учун курашишимиз лозим. Албатта, йўл ҳаракати хавфсизлигини сақлаш фақатгина автоинспекция ходимлари вазифаси бўлиб қолмай, бу ишга алоқадор ҳар бир кишининг вазифасидир. Шундагина ойликнинг самарали ўтишига эришишимиз мумкин.

У. АЗИМОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг бўлим бошлиғи.
Б. НОСИРОВ,
ГАИ инструктори.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Цирк —болаларга. 10.35 — «Андрей Колобов» (телеспектакль). 12.00 — Концерт. 15.00 —Кинопрограмма. 16.00 — Е. Шварц ижоди. 16.45 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.00 — «Шимолга командировка» (телеочерк). 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ешлар ва студентларнинг Гаванадаги XI Жаҳон фестивалида. 19.30 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга. 19.45 — Концерт. 20.25—Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Ешлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивалида. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Мишук» (бадиий фильм). 12.05 — Ҳужжатли фильм. 12.45 — «Онгарис соҳилида бўлган воқеа» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Камалак». 18.45 — «Идеология ва ҳаёт». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — «Ёзувчи ижодхонасида». Ҳамид Гулом. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. 22.15—«Николай Бауман» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Иристон ўғли» (бадиий фильм). 20.30 — Фильм-концерт. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.55 — «Киноактриса Лидия Смирнова» (фильм-портрет).

ЭРТАГИ

Парвоздаги турна — «ФЕСТИВАЛЬ».

Интерьердаги оилавий портрет — «ХИВА».

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг ЎҚУВ КОМБИНАТИ минорали кран машинистларини тайёрлайдиган 4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА 18 ва ундан катта ёшдаги ИИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ҲАР ОЙДА 75 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Елгиз кишиларга ётоқхона берилади ва улар Тошкент шаҳрига прописка қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СУНГ БОШЛАНАДИ.

Курсларни тугатганлар «Строймеханизация» трести бошқармасида Тошкент шаҳрида ишлайдилар.

Мурожаат учун адрес: 700070, Тошкент шаҳри, 70, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй («Радость» магазини қаршисида). Телефон 53-71-50.

КИНО

1, 2 АВГУСТДА

КИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ—Эй, бахтли инсон! (10.45, 13.30, 16.15, 19.00).

Парвоздаги турна — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 18, 20, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «НУКУС» (11, 13.30, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Интерьердаги оилавий портрет — «ДРУЖБА» (12, 15, 18, 20.30), ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (11.15, 13.30, 16, 18.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ўйинчоқ — «ДРУЖБА» (11, 13, 14.30, 17, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.15, 16, 19, 21.00).

ЕЗГИ БИНОДА

(соат 20.50 ва 22.30 да бошланади)

Парвоздаги турна — «ФЕСТИВАЛЬ».

Интерьердаги оилавий портрет — «ХИВА».

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Олмалиқ шаҳар ижроия комитети раиси Б. А. Агарковга онаси

Евдокия Васильевна АГАРКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 13078. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д—2449.